

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 129 (10.182)

2004 йил 7 июль

ПОЙТАХТНИНГ ДИР КЎНИ

Янгиликлар, воқеалар

● **ЎТГАН** кун Чилонзор туманидаги Шотурсун Фуломов номи маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бажариш чораларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида уюштирилган семинар-тренинг «Сайлов кампаниясида ёшлар омили» деб номланди.

● **КЕЧА** Ҳабибий номи маҳаллада фаоллар ҳамда Тошкент давлат юридически институти талабалари иштирокида ўтказилган давра суҳбати жорий йилнинг декабрида ўтказилган Олий Мажлис депутатлигига сайловга тайёргарлик кўриш масаласига бағишланди.

● **«ИЖТИМОЙ** фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида бўлиб ўтган «Оила — Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётида» мавзусидаги тадбирда ёшлар ва фаол хотин-қизлар иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДА** молия институти, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ҳамда хусусий сектор вакиллари иштирокида «Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, жорий таъжрибани ўзлаштириш ва жорий қилиш» мавзусида анкуман ташкил этилди.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги Бобур номи маҳаллада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Ези «Камолот» билан ўтказ» лойиҳаси доирасида кўча оммавий спорт уйинлари уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.



Акмал Икромов туманида фаолият юритаётган «Камолот» хусусий фирмасининг кўли гул чеварлари тайёрлаётган сифатли, бежирим, рақобатбардош тикув маҳсулотларининг нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам буюртмачилари сони ортиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: хусусий фирма директори (ўртада) Шоира Мусаева жамоа ахли билан навбатдаги буюртма хусусидаги таклиф ва истакларни муҳокама қилмоқда; корхонанинг мохир тикувчиларидан Захро Содиқова иш жараёнида.



Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

РАҲБАРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида ушбу идоранинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари учун семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарнинг ўтказишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга оширишни муҳокама қилишдан иборат эди. Агентлик юқорида зикр этилган қарор асосида тезкор бо-

ришни таҳлил қилиш ҳисобланади.

Айни пайтда мазкур бошқармаларни юқори малакали кадрлар ва керакли техника билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, жойлардаги ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўлимлари билан ўзаро ҳам-жиҳатлик тартиби белгиланмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Орипов иштирок этди.

шаруви амалга ошириш ва вилоят бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун ўзининг тузилмавий ҳудудий корхоналари негизида ҳудудий бошқармаларни ташкил этди.

Бундай бошқармаларнинг асосий вазифаси ҳудудларнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши, лицензияли битимлар шартлари, радиочастота спектридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот ва почта хавфсизлиги талабларини бажари-

устанликни ушлаб қололмади. Ниҳоят, 54-юришда В.Топалов Рустамнинг галабасини тан олишга мажбур бўлди. Биринчи партиядаёқ финал йўлланмасини деярли ўзиники қилиб олган ўзбекистонлик шахматчи иккинчи баҳсда ҳам рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. В.Топалов устидан 4:2 ҳисобида зафар қўчган ҳамюртимиз ўз фаолиятида илк мартаба жаҳон чемпионатининг финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мутахассисларимизнинг фикрича, Рустам Қосимжоновнинг финалга чиқиши Ўзбекистон шахмати учун катта ютуқдир. У ярим финалда дунёнинг энг кучли шахматчиларидан бирини енгди. Энди жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун англиялик Майкл Адамсга қарши дونا сурди. Рустамнинг финалдаги рақибини ҳам жуда кучли шахматчи. У Рустам билан уч мартаба кўч синашган.

Беллашувларнинг барчаси дуранг натижа билан яқунланган.

Мусобақа қоида-қоида кўра, финал учрашуви олти партиядан иборат бўлади. Финал 13 июлга қадар давом этади. Ўзбекистонлик мухлислар Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатида бош совринга сазовор бўлишидан умидвор. Келинг, истейдодли шахматчимизга омад тилайлик!

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЎЗБЕК ШАХМАТЧИСИ — ФИНАЛДА!

Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давом этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этган юз йигирма саккиз шахматчи орасидан сараланган икки нафарини финалда ўйнайдиган бўлди.

Халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов юртимиз шахмати тарихида илк мартаба жаҳон чемпионатининг финалида иштирок этади.

Ўзбекистонлик шахмат устаси нуфузли турнирнинг саралаш беллашувлари ва чорак финалида беш таъжрибали шахматчи устидан галаба қозongan эди. Айниқса, жаҳон чемпионлигига даъвогар халқаро гроссмейстерлар - амалдаги Европа чемпиони Василий Иванчук (Украина) ҳамда россиялик Александр Гришукни мағлубиятга учратган Рустам мухлис мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди.

Ниҳоят, ўзбекистонлик шахматчилар орасида биринчи бўлиб ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов ушбу босқичда жаҳон чемпионатининг энг кучли шахматчиси Велселин Топаловга (Болгария) қарши дона сурди.

Мусобақа давомида Рустам ишончли ўйин кўрсатаётган бўлса-да, акарият мутахассис-

лар финалга чиқиш учун энг кўп рейтинг очкога эга В.Топаловнинг имкониятини юқори баҳолаган эди. Лекин ҳамюртимиз энг кучли шахматчи билан ҳам тенгма-тенг ўйнаш мумкинлигини исботлади.

Жаҳон чемпионати қоида-қоида кўра, ярим финалга чиққан Рустам Қосимжонов В.Топаловга қарши, Майкл Адамс (Англия) озарбой-жонлик Теймур Ражабов билан ўзаро тўртта партия ўйин ўтказди. М.Адамс рақибини дастлабки партиядо енгди, қолган учтасида дуранг ўйнади ва биринчи бўлиб финалга йўлланма олди.

Халқаро гроссмейстеримиз Р.Қосимжонов ва В.Топалов ўртасидаги баҳс анча кескин ва мurosасиз кечди. Шахматчилар асосий тўртта партиядо дуранг ўйнади - 2:2. Фолиб тай-брейкда аниқланадиган бўлди.

Тай-брейкнинг биринчи партиясидо Рустам Қосимжонов қора донлар билан ўйнади. Юришни В.Топалов бошлаган бўлса-да,

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси Владимир Русайлони қабул қилди. Учрашув чоғида МДХ мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар ва кўптомонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқбол юзасидан фикр алмашилди.

● Кеча Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги ва озик-овқат комиссиясининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Наслилик тўғрисида»ги Конуннинг «Ўзбек қорақўли» компанияси томонидан бажарилиши муҳокама этилди.

● Самарқанд вилоят галлакорлари қайта ишлаш корхоналарига 250,9 минг тонна сара дон етказиб, давлатга дон сотиш шартнома-режасини бажардилар. Қабул пунктларига 150 минг тонна сара бугдой етказиб берган Сирдарё вилояти галлакорлари ҳам шундай маррага етишди.

● Зомин туманидаги «Ўрим-чисой» дам олиш масканида республика ёш иждоқорларининг аънавий VIII семинар танлови бошланди.

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида миллий дорбозлар, аънавий цирк санъати жамоалари ва хаваскор кўғирчоқ театрларининг III республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Жаҳонда

● Шифокорлар душанба кун ирак хуружи хасталиги билан касалхонага ётқазилган Австрия Президенти Томас Клеистльнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бarchа чора-тадбирларни ишга солимоқдалар.

● Ироқда собиқ президент Саддам Ҳусайн устидан суд жараёни бошланди. У харбий жиноятларда ва геноцидда айбланётган бўлса-да, хозирча ўзига қўйилган айбларни бўйига олаётган йўқ.

● АҚШ Давлат Департаменти халқаро терроризм таҳлилига бағишланган «Глобал терроризм 2003 йилда» ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, ўтган йили сайёрамизда 208 та халқаро қўрқувчанлик ҳаракатлари содир этилган ва улар оқибатида 625 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Токио университетининг бир гуруҳ олимлари саратон касаллигининг баъзи бир кўри-нишларини бартарфак этувчи ферментни ихтиро қилишди.

● Фазони кузатишга мўлжалланган Hubble телескопи ёрдамида Сомон йўли номи билан аталувчи галактикада янги 100 та сайёра кашф этилди.

www.uznews.com

Иқтисодий

**ЭКСПОРТГА
ЧИҚАРИЛАДИ**

Чилонзор туманида фаолият юритаётган «Koi-Si» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидор-гирлиги билан ажралиб туради.

Ушбу сифатли, кўркам, чидамли металл маҳсулотларини тайёрлашда 20 нафар жамият аъзолари астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Корхона таъсисчиси Анатолий Сидорченконинг таъкидлашича, маҳсулотлар учун 65 фоиз хом ашё Бекободдан, қолган қисми эса Россия давлатидан келтирилади.

Корхона цехларига ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган. Жамият аъзолари томонидан ишлаб чиқарилаётган металл дарвоза, замонавий ҳисобланган кўтарма дарвозалар, панжаралар, стеллаж, шкаф, аравалар каби кўплаб маҳсулотлар аллақачон ўз мижозларини топган.

Ушбу жамият тадбиркорлари жорий йил охиригача маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадларида тегишли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

**СИФАТГА
ЭЪТИБОР**

Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда асосан маҳаллий хом ашёдан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган корхоналар орасида «Энергомаш» ишлаб чиқариш корхонасининг ўз ўрни бор.

Корхонада 100 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, улар бугунги кунга келиб республикаимизнинг барча вилоятларида ўз буюртмачиларига эга. Мазкур корхона аҳли сифатли, чидамли, асосийси ишлатишда қулай бўлган насосларни 2 йиллик кафолат муддатлари билан тайёрлаб, мижозларни мамнун қилмоқда.

— Бизнинг «АХП», «ХП», «ТХИ», «СМ», «ЦНСГ» русумли насосларимиз тоза ичимлик суви, техник сувлар, оқова сувлар, кимёвий суюқликларни ҳайдашда қўлланилади, — дейди корхона директори Виталий Ли. — Цехларимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланилади. Маҳсулотларимизни 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрлаймиз ва асосий эътиборни сифатга қаратамиз.

**Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Тадбирлар

**ФАОЛЛИКНИ
ОШИРИШ ЙЎЛИДА**

Республикаимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик йил сайин ортиб бормоқда. Шунингдек хотин-қизлар фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

Яқинда Акмал Икромов тумани ҳокимиятида Юртбошимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси ва иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ийгилишда Олий Мажлис депутатлари, тумандаги барча маҳалла хотин-қизлар комиссияси раислари, маҳаллаларнинг фаол аёллари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлимлари вакиллари иштирок этди. Ушбу давра суҳбатида Олий Мажлис депутати, «Фармед» ху-

сусий корхонасининг раҳбари Дилором Тошмуҳамедова, 8-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Мунира Шаҳобова, Акмал Икромов туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Азиза Ғиёсова ва маҳалланинг фаол аёллари сўзга чиқиб, юқорида тилга олинган Фармонни бажаришда қандай мақсадлар илгари сурилиши, нималарга эътибор бериш зарурлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, хотин-қизлар фаоллигини ошириш давр талаби эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Савол-жавоб, баҳс-мунозара остида ўтган давра суҳбати йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Мадина РАҲИМОВА

Экология

ТАВСИЯЛАРГА БОЙ ИЗЛАНИШ

Атроф-муҳит софлигини таъминлаш жараёнларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ техникавий изланишлардан бир нечтаси кутилган натижани берди.

«Чиқиндиларни камайтириш воситасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган мавзуда ўтказилган тадқиқот ҳам шундай ютуқлардан бири бўлди.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг иқтидорли талабаси Зиёдулла Халиловнинг бу изланиши истеъдодли ёшлар техника ижодкорлиги республика

кўригида муносиб тақдирланди.

Мазкур изланишда илгари сурилган муаммонинг қатор масалалари ўз ечимини топди. Тўпланиб қолган ахлатларни қайта ишлатишнинг ўзига хос усуллари тўғрисида ҳам яхши тақлифлар билдирилди.

Акбар АЛИЕВ

Бу борада бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган «Мухлиса қиз» хусусий фирмасининг алоҳида ўрни бор. Қурилиш фирмасининг турли касб эгаларидан ташкил топган ҳамжиҳат жамоаси бунёдкорлари томонидан «Чорсу» буюм бозоридаги кийим-кечаклар савдо шохобчалари, 126 ўринли миллий кийимлар бозорчаси, «Эски жўва» деҳқон бозорида қовун-тарвузлар сотишга мўлжалланган 100 ўринли бозорча жорий йилда қисқа муддатларда қад ростлаб, фойдаланишга топширилди. Албатта, бу ишда тажрибали қурувчиларнинг маҳоратлари, сифатли қурилиш ашёларидан самарали фойдаланиш яхши натижа берди.

Айни кунларда эса бунёдкорлар ушбу ҳудудда 96 ўринга мўлжалланган, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилган ҳолда турли иссиқ таомлар билан савдо қилишга мўлжалланган усти ёпик бозорча бунёд этишмоқда. Бозорчада 3 та идиш-товоқлар ювила-

диган хона ҳамда ҳар бир савдо рас-тасида раковина ўрнатилади.

— Ушбу бозорчада нафақат иссиқ овқат билан савдо қилувчи тадбиркорларга, шу билан бирга хўранда-

Халқаро бизнес-марказда Ўзбекистон корхоналарининг Афғонистон иқтисодиётини тиклаш бўйича лойиҳалардаги иштирокига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев очди.

**МАҚСАД -
АФҒОНИСТОНГА
КЎМАКЛАШИШ**

Айни пайтда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал ривожланмоқда. 2001 йили ўзaro савдо ҳажми 11,4 миллион АКШ долларини ташкил этган бўлса, 2003 йили бу кўрсаткич салкам 90 миллион долларга тенглашди.

Ўзбекистон фирма ва компаниялари Афғонистонда йўл қуриш, электр энергия тармоқларини барпо этиш, кишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги дастурларда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида имзоланган савдо иқтисодий ҳамда темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига асос солибгина қолмай, алоқалар кўламини янада кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз томонидан Афғонистонга озиқ-овқат, ёқилғимойлаш ва қурилиш материаллари, дори-дармон, электр-энергияси, турли хил машина ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Шу кунга қадар ўзбекистонлик инвесторлар Афғонистонда Мозори Шариф - Саланг - Кобул йўналишидаги ўн та кўприк тикланди. Ҳайрати - Мозори Шариф темир йўлининг бир қисми қайта ишга туширилди. Президент Ислам Қаримовнинг ўтган йил Эронга ташрифи чоғида Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ҳукуматлари ўртасида имзоланган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга кўра, Афғонистон ҳудудидан ўтувчи транспорт йўлагини (Трансафғон йўлаги) барпо этиш ишлари ҳам жадал давом этмоқда. Шунга қарамай, семинарда Ўзбекистоннинг Афғонистон иқтисодиётини тиклашдаги имкониятлари тўлиқ ишга солилмаётгани таъкидланди. Мазкур мамлакат билан chegarados бўлган Афғонистон кишлоқ хўжалиги, йўл транспорти, энергетика, сув тақсимоти тизимларидан фойдаланиш борасида катта тажрибига эга. Афғонистон иқтисодиётининг шу соҳаларини тиклаш ишда Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтириш ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан асосли бўлади. Лекин ҳозирча бу борада Ўзбекистон компанияларининг Афғонистондаги лойиҳа ва дастурлардаги ҳиссаси имконият даражасида эмас.

Семинарда йиғилганларга Жаҳон банки ҳамда Осиё тараққиёт банкнинг Афғонистон иқтисодиётини тиклашга қаратилган дастур ва лойиҳалари, ўтказилаётган тендер савдолари, танловларда иштирок этиш тартиб-қоидалари, Афғонистондаги бизнес имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Семинарда иштирок этган Ўзбекистоннинг ўттиздан ортқ фирма ва компанияси вакиллари ўзларини қизиқтирган савдоларга тўлиқ жавоб олди.

ЎЗА

Бунёдкорлик

ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Эски жўва» деҳқон бозори кейинги йилларда ўзгача қиёфа касб этиб, сотувчи ҳамда харидорларга яратилаётган шарт-шароитлар, бозорнинг шарқона ва замонавий кўриниши, кўплаб қулайликлар нафақат ҳам-шаҳарларимизни, балки меҳмонларни ҳам хушнуд этмоқда.



ларга ҳам қулай шарт-шароитлар муҳайё этиш кўзда тутилган. — дейди «Мухлиса қиз» хусусий фирмаси бош муҳандиси Лутфулла Саидоҳунов. — Бугунги кунга келиб, қурилиш-тиклаш ишларини тўла ниҳоясига етказ-

дик. Бу ишда 100 нафардан зиёд бунёдкорларимиз гайрат-шижоат кўрсатишди. Ҳозирда эса пардозлаш юмушларини жадал суръатларда амалга оширяймиз. Мақсадимиз нафақат бозорчининг кўриниши кўркамлигини таъминлаш, балки барча қулайликларни яратиш, тадбиркор сотувчи—хизмат кўрсатувчинини ҳам, мижозларни ҳам қулайликдан баҳраманд этишдир. Бу борада Баҳодир Ҳайитбоев, Боқижон Зупаров, Икромжон Усмонов, Забиҳилла Набиев сингари бунёдкорларимиз ҳар бир фурсатдан унумли фойдаланмоқда. Тез кунларда ушбу бозорчини ҳам фойдаланишга топшира-

**Аскар
ТОШПЎЛАТОВ
СУРАТЛАРДА:**

«Мухлиса қиз» хусусий фирмаси томонидан фойдаланишга топширилган миллий

кийимлар бозорида; электр пайвандчилар бригадаси сардори Баҳодир Ҳайитбоев қурилиш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Салтанат МУЗЕЙДА ХОТИРА ЭКСПОЗИЦИЯСИ

Республикаимиз пойтахтида ўзбек-япон халқаро дўстлигига бағишланган уй-музей бор. Икки хонали бу мўъжаз музей экспонатлари «Хотира экспозицияси»дан ўрин олган.

Ўзбек диери ўтмиши ва бугунги куни тарихи билан қизиқиб келаётган фидойи зиёли Жалил Султонов хонадонидида ташкил толган бу музейда жамланган экспонатлар японларнинг мамлакатимизда бўлиши тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

— Иккинчи жаҳон уруши туғандан икки йил ўтган, 25 миллион япон жангчилари Ўзбекистонга келтирилган эди, — дея ҳикоя қилади музей соҳиб-би Д.Султонов. — Уларнинг кучи билан Тошкентда қатор бинолар қад кўтарди. Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри биноси ҳам бунёд бўлди.

Ана шу ўтган йиллар хотироти асосида ҳужжатли фильм яратилди. Бу экран асаридида Д.Султонов томонидан тўпланган фото ва киноҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

«Хинроги» деб номланган мазкур фильм тақдими томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Уй-музейда намойиш қилинган мазкур экран асари японлар севган нафис гул номи билан аталади.

МУХЛИСЛАРГА ЯХШИ СОВГА

Буёқ инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг ўлмас асарлари ўзбек китобхона-га яхши таниш. Улардан айримлари сахна юзини кўриб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган.

Ўзбек Миллий академик драма театри репертуаридан ўрин олган «Отелло», «Гамлет» каби спектакллари ким билмайди дейсиз. Отахон театр Шекспир ижодида мурожаат қилиб, томошабинларга яна бир неча постановкани тақдим этишга киришди.

«Ёз кечасидаги туш» деб номланган асар ҳам мухлис-ларга яхши совга бўлади.

«Дарахтлар тик туриб ўлади» спектакли эса яқин орада сахна юзини кўради. Истеъдодли режиссер Вали-жон Умаров бошчилигида постановка қилинаётган бу юрт таъсирчан спектакль театр-нинг 90 йиллик юбилейига тортиқ бўлади.

КОНЦЕРТ-ПОЭМА ИЖРО ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг ижро-чилик фаолияти кенгайиб, тингловчиларга манзур концерт дастурлари юзага келмоқда.

Шу йилнинг ўзидида унинг концертлари қатор янги дастурлар билан бойиди.

Шу билан бирга чет эл бастакорларнинг симфоник асарлари ҳам оркестр репертуари-дан ўрин олди. Яқинда Тош-кентда бўлиб ўтган «Илҳом—XX» халқаро фестивалда янгра-ган қатор асарлар оркестр иж-росида тақдим этилди.

Тожикистонда хизмат курсатган санъат арбоби, та-ниқли бастакор Ражаб Оллоев-ровнинг ижод намуналари ҳам тингловчиларга манзур бўлди.
Акбар АЛИЕВ

Аёл — гул. Унга меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва эътибор керак. Агарки аёл мана шу хислатлардан баҳраманд бўлса у ҳамиша гулдек очилиб яшнаб юради, меҳнатдан чарчамайди. Мамлакатимизда аёлларнинг эркин меҳнат қилиши, яшаши ва турмуш тарзини шакллантириб бориши учун барча шарт-шароит-лар яратилган. Улар бугун эркаклар билан теппа-тег ҳуқуққа эга. Бу ҳуқуқ ҳамиша ҳимояда. Унинг ҳимоячиси биринчи навбатда аёлларнинг ўзлари. Уларнинг манфаати йўлида хизмат қиладиган ташкилот эса хотин-қизлар кўми-таларидир. Жамоатчилик асосида тузиладиган хотин-қизларнинг бу бош-ланғич ташкилоти аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва турли манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўзига хос муаммоларини ечишга қаратилган табиий интилишларини ифода этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томони-дан қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар ўзгаришлари» Фармоннинг замирида ҳам аёлларга муносабат масаласи айтилади.

Бугун ҳаётга зийрак кўз билан қарай-диган бўлсак, давлат ва жамият тарақ-қиётига аёлларнинг роли тобора ошиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз. Мустақиллик йилларида давлат миқё-сида хотин-қизлар манфаати, уларнинг келажақ орзу-умидлари йўлида қўллаб-қўллаш амалга оширилди, махсус дас-турлар қабул қилинди. Хусусан, юқори-даги Фармон ва унда белгиланган ва-зифалар биз тилга олган изланишлар-нинг узвий давомидир.

Ушбу Фар-монда белги-ланган вазифа-лар муҳома-сига бағишлаб Оқсаройда бўлиб ўтган мажлисни очар экан, мамла-катимиз раҳба-ри бу ҳужжат хо-тин-қизлар-нинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат қурилишига оид ва-зифаларни бажаришидаги ўрнини оши-риш бўйича олиб борилаётган ишлар-ни бутунлай янги босқичга, юртимиз-да амалга оширилаётган ислохотлар талаби даражасига кўтариш чора-тад-бирларини жорий этиш мақсадида қабул қилинганини кайд этди. Мажлис ахли эътибори бу Фармон нима учун қабул қилинди, унинг бош мақсади ни-малардан иборат ва унда белгиланган вазифаларни бажаришда диққатни нималарга қаратиш керак, деган савол-лар ечимига қаратилди. Албатта бу сав-оллар биринчи навбатда умуман хо-тин-қизлар кўмитаси нима учун ташки-л этилган, деган масаланинг моҳиятига ҳам боғлиқ.

Биз ўз олдимишга кучли давлатдан кучли — фуқаролик жамиятига ўтиш ва-зифасини қўйганмиз. Фуқаролик жам-иятининг асосий белгиси эса, бу — дав-латнинг вазифа — ваколатларини жа-моат ташкилотларига босқичма-босқ-ич ўтказиш орқали фуқароларнинг иж-тимоий фаоллигини, сиёсий мадания-тини оширишдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда жамоатчилик та-шаббусини ўзида мужассам этадиган тузилма — хотин-қизлар кўмитаси ўз фаолиятини бугунги кунимизнинг мана шу талаблари асосида ташкил этиши зарур. Албатта бундай интилишларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини амалда жорий этишни давлат сиёсати даражасига кўтаришда давлат ва ҳокимият яқиндан ёрдам бериши керак. Афсуски, барча зарурий ёрдамларга қарамай бу таш-килот ўзини ҳозирги кунда фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисми деб айта олмайди. Кўмитанинг аксарият фаоллари жамоатчиликдан ажралиб қолган. Улар иш юритишда ҳамон маъмурий-буйруқбозлик услу-бидан қутула олмай кўмитани юқори-дан туриб буйруқ-кўрсатма ва топши-риқларни бериш усулидан фойдала-надиган давлат тузилмаси сифатида қабул қилмоқдалар. Ўзларини эса аёл-лар жамоатчилигининг вакили эмас, балки хотин-қизларни бошқариш учун қўйилган давлат ходимлари, давлат на-зоратчиси деб ҳис этадилар. Бундай нотўғри ёндошув мақсад ва интили-шларга салбий таъсир кўрсатади. Ҳақиқий аҳвол ва ўртадаги муаммолар-ни четлаб ўтади. Натижада кўми-та билан оддий хотин-қизлар ўртасида узи-

лиш пайдо бўлади. Заҳматқаш ва меҳ-натқаш аёл ўзининг ишончли вакилига дилидаги гапларни айтиб, орзу-умид-ларини баҳам кўришдан йироқ бўлса, бунинг ўрнига унинг мушкулни осон-лаштиришга хизмат қиладиган аёллар-ни — амалдорлар, бюрократлар деб ту-шунаса қандай қилиб ўртада узилиш бўлмасин?

Мажлисида Юртбошимиз аёлларни иш билан таъминлаш, оилани, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза

Долзарб мавзу

АЁЛ - ОЛАМ БЕЗАГИ УНГА ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР КЕРАК

қилиш, таълим-тарбия соҳасидаги дол-зарб вазифаларга ҳам алоҳида эъти-бор қаратди. Оилада маънавий ва жи-смоний баркамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидапара-стлик мафқурасининг онгни захарлай-диган таъсирдан гивандлик ва бош-ка салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маъ-навий-ахлоқий муҳитни барпо этиш хотин-қизлар кўмиталари фаолияти-нинг асосий мезонига айланиши ке-раклиги таъкидланди. Шу ўринда ўз-ўзидан яна саволлар пайдо бўлади. Ги-вандлик кўчасига кирган ёки диний эк-стремизм тузоғига илиниб қолаётган хотин-қизлар қаердан пайдо бўляпти? Нега бугун аёл қора бозор оралаб қолди? Нега эркаклар бу ёқда қолиб, хотин-қизлар бозор пештахталарини тўлдирадиган бўлди? Тўғри, тижорат деймизми, тадбиркорлик деймизми бу ишлар ўз йўлига. Лекин ҳақиқини айт-ганда, пештахта ортида турган аёл-ларнинг ҳаммаси ҳам тадбиркор эмас. Балки бунда ишсизлик ҳам ўзининг салбий ҳусусиятини кўрсатаётгандир. Хўш, шундай экан, нега хотин-қизлар-ни иш билан таъминлаш чора-тадбир-лари кўрилмади. Ахир бу долзарб ма-салалар аввало жойлардаги хотин-қиз-лар кўмиталарини ташвишга солиши керакку. Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда би-ринчи ва энг муҳим қадам — уларни иш билан таъминлашдир. Аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бў-лади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш — аёлнинг мустақиллиги, фаол турмуш тарзининг биринчи шар-тидир. Аёл иш билан банд бўлмаса ижтимоий жиҳатдан фаол бўла олмай-ди. Шундай экан хотин-қизлар ўртаси-да бандлик масалаларини ҳар томон-лама кўриб чиқиш лозим. Таассуф би-лан айтиш керакки, ҳозирча бу йўлда олиб борилаётган ҳаракатларда ҳам хотин-қизлар фаолларининг роли яхши сезилмапти.

Бизда болалар тарбияси муҳим ўрин тутди. Қайси оилада муҳит со-ғлом бўлмаса ўша ерда ахлоқий бузуқ-лик, ноқобил фарзандлар пайдо бў-лади. Бу масалада хотин-қизлар кўми-таси маҳалла билан бир ёқадан бош чиқармоғи лозим. Лекин ёшлар тарби-яси фақат бу икки ташкилотнинг ва-зифаси эмаслигини ҳам унутмаслик керак. Уларнинг тарбияси, доимо сез-гир ва огоҳ бўлиб яшашлари учун бар-

чамиз масъулмиз.

Мажлисида хотин-қизларнинг ижти-моий фаоллигини ошириш масаласи-га ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди. Бу хусусда гап борганда жамиятимизда-ги билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган, фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ им-кониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериш керак, деб таъкидлади давла-тимиз раҳбари.

Бугунги кунда юртимиз аёллари ҳаётнинг барча соҳаларида — ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги, тадбиркор-лик, таълим-тарбия, тиббиёт, мадани-ят ва санъат соҳаларида иштирок эта-ётганлигини албатта инкор этиб бўлмайди. Айни пайтда аввало қишлоқ-ларда яшаётган аёллар орасида эъти-бордан четда қолган, ўз холига ташлаб қўйилган хотин-қизлар борлигини ҳам тан олишимиз керак. Албатта, давлат хотин-қизлар кўмитасидан турли тад-бирларни ўтказишда ёрдамини аямай-ди. Лекин бун-дай тадбир-ларнинг маъ-но-маъмуни ва йўналиши аёл-ларнинг ўзла-ри, хотин-қиз-лар ташкилот-лари томони-дан шаклланти-рилиши лозим.

Фармонда кўтарилган муҳим масалалар қатори-да республика «Маҳалла» жамғарма-си ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўми-тасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари ап-паратининг тузилмасига тарбиячи-пе-дагог лавозими ўрнига ҳудудда ка-мида 500 оила яшайдиган маҳаллалар-да, таркибидида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овул-ларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий эти-лиши ҳам алоҳида диққатга сазовор-дир. Албатта бу лавозимга ҳаёт таж-рибасига эга бўлган, аҳолига, бирин-чи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний аъёнлар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлан-тириш масалаларида ижобий таъсир ўткази оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинлаш керак.

Шунингдек, Фармонда хотин-қиз-ларнинг соғлигини сақлаш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хо-тин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, жойларда миллий-диний аъёнларни тушунти-риш ва уларга риоя қилиш, хотин-қиз-ларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, буз-ғунчи кучларнинг хотин-қизлар онига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятига жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самарали ташки-л этиш каби масалаларга алоҳида эъти-бор қаратилган.

Қисқа қилиб айтганда, Фармон ва унда белгилаб берилган вазифалар му-ҳокамасига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси-нинг, республика хотин-қизлар жамо-ат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш, уларнинг мамла-катимиз сиёсий-ижтимоий, социал-икти-содий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самардорлигини оширишга қаратил-ган масалалар белгиланди ва уларни амалга жорий этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

СЎЛИМ ГЎШАЛАРИМИЗ ЧОРЛАЙДИ

Ёзинг жазирама иссиқ кунлари ҳам бошланди. Бундай дамларда ҳамшаҳарларимиз албатта соя-салқин, хушманзара тоғ ён бағирларидаги дам олиш масканларига, баъзилар эса кечки салқинда шаҳримиздаги мавжуд сўлим гўшалар, баҳаво маданият ва истироҳат боғларига бориб мазага қилиб маданий ҳорлик чикаришга охиққилади.

Бугунги кунда шаҳримиздаги барча маданият ва истироҳат боғлари ўзгача файзу тароватга эга бўлиб, кексаю ёш, шунингдек пойтахтимиз меҳмонлари билан доимо гавжум. Шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн ва кўрк бағишлаб турган хушманзара боғларимиз йилдан йилга гўзаллашиб, обод бўлмоқда. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Фафур Фулом, Бобур номидаги ва бошқа боғларимиз қаторида Мирзо Улуғбек номидаги боғ маданият ва истироҳат боғини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

1934 йилда ташкил топган Мирзо Улуғбек номидаги (эски номи «Боғи Эрам») боғи 14,5 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, унинг ҳудудида кўл, болалар сузиш ҳавзаси, спорт мажмуаси, стадион, теннис корти, тренажерлар зали, футбол, баскетбол, волейбол майдонлари мавжуд, - дейди боғ раҳбари Роман Аветисов. - Боғимизда шунингдек, 22 та болалар ўйин аттракционлари, салқин ичимликлар, турли хил музқаймоқлар, шунингдек, ўзбек миллий таомлари билан савдо қилувчи савдо шохобчалари мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш керак, боғимизда ўзбекистонда ягона бўлган «Оққуш», «Урдакча» ўзини 100 метрдан иборат «Сув саҳзати», «Қушлар аримчог» каби янги аттракционлар болалар хизматида. Боғ маъмурияти томонидан Меҳр ва мурувват йилида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болаларнинг 10 мингдан ортиқига бу йилги аттракционлар учун bepул чипталар тарқатилди. Бундан ташқари боғ ҳудудида ўтказилаётган турли хил анжуманлар, фестивал ва ташлювлар, учрашувлар ёшларимизни она Ватанга, қадриятларимизга юксак ҳурмат рўҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳар ҳафтада боғда ўзбекистон ёшлари театри, боғимиз қошида ташкил топган «Хавас» эстрада гуруҳи, Тошкент ширки артистларининг чиқишлари ҳамшаҳарларимиз ва жажжи болаларларга заққ-шаққ ва хуш кайфият бағишламоқда.

Шунини ҳам айтиш керакки, боғимизнинг янада кўркам ва обод бўлиши учун икки йилдан буён



3000 туп турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 15 минута яқин ҳар хил гул кўчатлари ўтказилди.

Боғимизга ҳар куни юзлаб ҳамшаҳарларимиз ташриф буюришади, - дея суҳбатга қўшилди боғ директорининг ўринбосари

ижодиёти маркази билан ҳамкорликда ўқувчи ёшларни спорт машғулотларига узлуқсиз жалб қилиш, соғломлаштириш ва спорт ишларини замон талаблари даражасида тақомиллаштириши, шунингдек спорт-техник йўналишдаги мусобақаларни халқаро миқёсга олиб чиқиш мақсадида спартакиада ўтказилди. Унда ёш фаолирлар, самолётсозлик, кemasозлик, спорт, техник йўналишдаги мусобақалар бўлиб ўтди. Шунингдек, «Маҳалламиз болалари» кўрик-мусобақаси ўтказилди. Мақсадимиз «Меҳр ва мурувват йили» дастурини белгиланган вазифалар ҳамда «Оила, маҳалла, мактаб» ҳамкорлиги концепцияси талабларини амалга оширишдан иборат.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам боғ ҳудудини айланарканмиз ушбу хушманзара масканда дам олаётган ҳамшаҳарларимизнинг ҳам фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. - Мен шу боғга яқин жойдаги кўп қаватли уйда истиқомат қиламан, - дейди меҳнат фахрийси Сабоҳат Турақулова. - Ёзинг жазирама иссиқ кунлари кўпинча набираларим билан ушбу сўлим, баҳаво боғга келиб мазага қилиб дам оламиз. Набираларим айниқса сув ҳавзасида чўмилиб яйрашади, турли хил аттракционларда учиб завқланишади. Гоҳида қизқариш томошалар, концерт дастурлари, учрашувларни томоша қилиб бир олам завқ оламиз. Бу боғнинг менга маъқул томони - тинч, озода шовқин-сурон йўқ. Мирзо Улуғбек боғи бизнинг оиламиз учун энг сеvimли дам олиш маскани ҳисобланади.

Дарҳақиқат, маънавият ва маданият ўчоғи бўлган истироҳат боғлари шаҳримиз фахри ва кўрки эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринли албатта. Биз Мирзо Улуғбек номидаги боғдан ҳамшаҳарларимиз кўнглида дам олиб қайтишга ташналик уларнинг бахтир чехраларидан кўриб гувоҳи бўлидик.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳаётидан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов оилан сурачлар.

Мадрасадаги хунармандлар ҳар куни эрталаб салом бериб, эринмасдан ҳолаҳвол сўрашувчи ёши 65 ни қоралаб қолган кишига ўрганиб қолишган. Бу инсон «Ҳамшаҳарлар» теледастури орқали гоҳ Кўкалдош мадрасаси олдида, гоҳ Абулқосим мадрасасида ва ёки яна бирон тарихий ёдгорлик ёнида қадимий номлар ҳақида куюнчақлик билан сўзлашишга гувоҳ бўлганмиз — Абдулазиз ака Муҳаммадқаримов бўладилар.

Абдулазиз Муҳаммадқаримов кўп йиллардан бери пойтахт тарихи ва топонимикаси билан шугулланиб келади. У 1966 йилги Тошкент энциклопедиясининг кейинги тузилган шаҳар топонимик комиссиясининг масъул котиби, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари, раиси бўлган, айна пайтда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раисидир. Иш жараёнида кўпгина шоир ва алломалар, жумладан Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Яхё Фуломов, Раҳима Аминова, Виктор Решетов, Михаил Массон, Ҳамидулла Хасанов ва бошқа комиссия аъзолари суҳбатидан баҳраманд бўлди. У «Тош-

кент» энциклопедиясининг муаллифларидан бири, «Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат», «Гўзаллик маскани» каби рисола ва китобларнинг муаллифидир.


Яқинда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ташаббуси билан Абдулазиз Муҳаммадқаримов муаллифлигидаги «Тошкентнома»нинг илк китоби нашр этилди...

«Тошкентнома»да турли манбалар, шеър ва алломалар хотиралари асосида яқин географик номларнинг келиб чиқиши тарихи баён қилинади. Президентимиз Ислам Каримов тошкентлик сайловчилар билан учрашувда «Жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз...» деган эдилар. Дарҳақиқат, тарихий номларда аждоғларимизнинг яшаш тарзи, қандай хунар билан шугуллангани ўз ифодасини топган. Маҳсидўз-

лик, Кўнчилик, Дегрезлик, Темирчи, Тақачи, Эгарчи, Уқчи каби маҳалла ном-

ЖОЙ НОМИДА МУЖАССАМ ТАРИХ

Олий Мажлиснинг маҳаббатли биноси ёнида шаҳримиздаги бир туркум тарихий обидаларга бир қарашда ўхшаб кетадиган, мўъжазгина кўк гўмбази кўзга ташланиб турадиган бир мадраса жойлашган. Мадраса ичкари-сига кирган одам, шинам ҳовли теварагидаги хужраларда берилиб ишлаётган сандиксоз, ёғоч ўймакор усталар, миниатюрчи, манзарачи рассомларга кўзи тушади. Бу бино XIX асрда Тошкентда яшаб ўтган маърифатпарвар Абулқосимбойнинг маблаг ҳисобига қурилган ва унинг номи билан аталиб келинади. Ҳозирги пайтда ушбу мадрасада 50 дан ортиқ уста-хунармандлар санъат сирларини ўрганмоқдалар.



ларининг ўзи бу ерда хунармандлик нақадар ривожланганидан, қадимий хал-

кимизнинг маданий даражаси нечоғлик юксак бўлганидан далолат беради.

— Топонимикага қўл уришимга кейинги йилларда айрим хаваскор атамашуносларнинг матбуотда чоп этилаётган саёз мақолалари сабаб бўлди, — дейди Абдулазиз ака. — Шаҳар топонимик комиссияси аъзоларининг суҳбати ва мунозараларининг гувоҳи бўлганим туфайли бундай тахмин ва ривоятларга бефарқ қараб туришининг иложи-ни тополмадим. Масалан, газеталарнинг бирода ўтган йили чоп этилган «Камолон» маҳалласи номининг келиб чиқиши ҳақидаги мақола муаллифи сўз юритиб, унинг номини «қамалда қолганлар шаҳар девори тагидаги қабристонга кўмилиши» билан боғла-ган.


Холбуки, тарихчи Муҳаммад Солиҳ 1865 йилги Чор армияси боқсинига қарши жангларда фаол қатнашганида 35 ёшлар чамаси эди. Унинг «Тошкентнинг янги тарихи» номи асарида Тошкентнинг 12 дарвозаси ҳақида маълумот берилиб,

Камолон дарвозасининг Камонгарон қабиласига мансублиги қайд этилган. Шунингдек, асарда Камолон маҳалла номи сифатида ҳам учрайди.

Ҳар бир қабила бир хунар билан шугуллангани каби, уларнинг касби камон ва камон ўқи ясаш бўлган. Демак, номлари касбларига нисбатан айтилган. Дарвозани қўриқлаш шу маҳалла, яъни қавм зиммасида бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Камонгарон вақтлар ўтиши билан Камолон қурунишини олган», — дея аниқлик киритади Абдулазиз Муҳаммадқаримов.

Китобда келтирилган тадқиқотларда юқоридаги ном ва атамаларни баҳоликудрат топонимик ва тарихий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳолисона уринилган. Қилинган меҳнатнинг нечоғлик кенг қамровлигини, Тошкент тарихини ўрганишда унинг ўзига хос аҳамиятини эътироф этиш баробарида барча атамалар тарққинини ҳар жиҳатдан мукамал дейиш қийинлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Аммо бу ибратли иш Ватанимизнинг бош кенти, ифтихоримиз Тошкент тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутуши шубҳасиздир.

Муқаддис ДЎСМАТОВ



ТОШКЕНТ — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА

Хе КИМ, корейлик меҳмон: — Ўзбекистон бағри кенг, нурафшон жанатмакон юрт. Одамлари эса меҳрибон, меҳмондўст ва очиқдил. Мен ўн йил аввал шу гўзал ўлкага келган эдим. Бу ерда қариндошларим истиқомат қилинади. Тўғриси айтсам, бугунги шаҳар жамоли мени ҳайратга солди. Ўзига хос тарзда бунёд этилган меъморий обидалар, муҳтимам ва кўркам иморатлар, жаҳон андозаларига тула жавоб берадиган меҳ-

монхоналарни кўриб, оромгоҳлар, сайилгоҳларни кезиб бир олам завқ олдим. Ўзбек халқининг меҳнатига, дид ва маҳоратига таҳсинлар айтгим келади. Кўриб кўзингиз қувнайди, кезиб дилингиз яйрайди. Менинг Ўзбекистон ва унинг пойтахти ҳақида бой тасавурум бор.

Қурилиш майдонларида

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ҚАД РОСТЛАДИ

Йилдан йилга гўзаллашиб бораётган азим шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманида даволаш-соғломлаштириш маркази мажмуасининг қурилиши жадал суръатларда олиб борилди. Уни Республика Солиқ кўмитасининг буюртмасига кўра бош пудратчи сифатида «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамиятининг 2-, 4-қурилиш бошқармаси кўли гул бунёдкорлари амалга оширдилар.

— Ушбу 4 блокдан иборат даволаш-соғломлаштириш маркази мажмуаси, — дейди «Туронмарказқурилиш» акционерлик жамияти бошқаруви раиси Рустам Зокиров, — ўтган ойда фойдаланишга топширилди. — Мазкур марказда малакали курувчиларимиз ўз зиммаларидаги ва-

зифаларини сидқидилдан бажариш мақсадида жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар. Мажмуанинг «А» блоки 3 қаватдан иборат бўлиб, ундан энг замонавий тиббиёт ускуна, жиҳозлари ҳамда таҳрибли тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатувчи поликлиника ҳамда барча

Бунинг натижасида инсонлар кунини хушайфият билан бошлайдилар. Лекин гуруч курмасиз бўлмаганидек, шундай ҳайдовчи ва чиптачиларни учратамики, улар аввалги таърифланганларимиздан бутунлай бошқа-ўзининг кўполлиги, ёмон муомаласи билан эрта тонгдан инсон қалбини вайрон қиладилар, ҳаттоки аёлларни ҳам айшмайди. Беш-ўн сўм кам бериб қолмаса борми, «пенсия» бўлсанг ўзингга», дея ҳақорат қилишдан ҳам тоймайдилар...

Аҳмад Ясавий маҳалласига қатнайдиган 128-автобус йўнали-

Транспорт инсон ҳаёти учун жуда керакли бўлган ҳаракатлаш воситаси. Биз ҳар куни ўқишга, ишга бориш учун транспорт воситаларидан фойдаланамиз ва ҳар хил ҳайдовчи, чиптачиларга дуч келамиз. Шундай ҳайдовчи ва чиптачилар борки, улар хушмуомалиги, очиқ кўнглилиги ва ҳазилкашлиги билан эрта тонгдан йўловчилар хожатини чиқарадилар.

Арвук, аммо ошқ ган

ҚАЧОНГАЧА КУТАМИЗ?..

ши қизиқ. Чорсудан то Ибн Сино мавзеси йўналишигача ўтган ойлик йўл чипталари уч-тўрт бекат қолганда бўлмасмиш. Аслида ўтиши керак бўлган ҳудудда чип-

Хар гал бу гўзал ўлкага ташриф буюрар эканман, кўнглимдан бир ўй ўтали. Яна шу юртга келиш насиб этсин. Бу дийр бағрида турли хил элат ва миллат вакиллари ҳамжиҳат, ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб иноқ, аҳил яшайдилар. Шаҳрингизга ҳар гал келганимда ҳечам кетгим келмайди. Бу ер худди ўз уйимдек қадрли. Жигарларим бахтир ва фаровон яшамокдалар, мен учун шунинг ўзи бир олам қувонч.

Мен бу ерда олган таассуротларимни юртдошларимга фахрланиб сўзлаб бераман. Ҳеч қачон шаҳрингизга, унинг гўзал жамоли, серҳиммат одамларига кўз тегмасин дегим келади.

шарт-шароитлар яратилган профилактика хоналари ўрин олган. «Б» блокада универсал спорт зали даволанувчиларнинг саломатликларини тиклаш мақсадларига хизмат қилади. Шунингдек, «В» блоки эса тренажерлар зали ҳамда курашчилар учун махсус жиҳозланган заллардан иборат бўлиб, ўнда машқур ўтказиш учун барча қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, даволаш-соғломлаштириш мажмуининг «Г» блокидан сув спортини сеувчилар учун жаҳон андозаларига мос сув ҳавзаси жой олади. Мажмуанинг атрофи ҳам ободонлаштирилиб, кўжаламзорлаштирилади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, курувчиларнинг шарафли меҳнати самарали бўлган яна бир хашаматли мажмуа қад ростлади ва унинг шаҳримизнинг чиройига чирой қўшишига шубҳа йўқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



Дундаш ганама

КЎЗ ТЕГМАСИН МАҲАЛЛАМ

«Ҳасанбой деганда кўз ўнгимизда кўли гул меҳнаткаш халқи, Алпомишқомат ўғлонлари, оқ шоҳи рўмол ёпишиб олган оқ сочли моллар, фарштасифат отахонлар, Барчиндек сулув қизлари, шириндан шакар узумлари, тилни тарс ёрадиган қовуну тарвузлари билан ном қозонган жаннатмакон маскан намоян бўлади.

Ҳасанбойда 1945 йил ва ундан илгари халқ тарқоқ ҳолда яшаб, бу жой «Тўра Кўрган», «Хўжа Кўрган» номлари билан аталарди.

янги шифо маскани. «Тур-сунмуродхожи ота» гузари савлат тўкиб, унда новвой-хона, озиқ-овқат дўқони, гўзаллик саломи ва оталар

ристонини қайта таъмирлаб замонавий ўймакор дарвоза қурилди. Бир неча йиллар давомида қаровис ахлатхонага айлланиб қолган, бир пайтлар маҳалла аҳли чанқоғини қондирган ховуз қайта таъмирланди. Ушбу сув ҳавзасининг қайта бунёд этилишига ҳаммаҳалламиз Акбаржон Ақромов бош-қош бўлиб, эндиликда маҳалла ахлининг олқишига сазовор бўлди. Бугунги ёзинг иссиқ кунларида маҳалламиз болалари ана шу сув ҳавзасида мириқиб чўмилишмоқда. Янгитдан таъмирланган ховуз маҳалламиз кўрки бўлиб кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Бу ишларни амалга оширишда маҳалламиз оқсоқоли Шавкат Ирисметовнинг хизматлари



Ҳозирги Ҳасанбой билан 1960 йиллардаги Ҳасанбой ўртасида катта фарқ бор. Ҳозирги Ҳасанбой 1994 йилда Юнусобой туманига қўшилганидан сўнг «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи деб номланди. Туман ҳокимлиги томонидан Ҳасанбой мавзесига катта эътибор қаратилди. Ҳозирда маҳаллада

чойхонаси, гўшт дўқони, 200 уринли тўйхона Ҳасанбой халқига намунали хизмат кўрсатмоқда. Халқа йўлдан 50 метр ичкарига Ҳасанбой рамзи сифатида «Арк» дарвоза қурилди.

2003 йилда ўтган бобои молларимизнинг руҳини шод этиб, уларнинг хурмати учун «Қаллиқ ота» қа-

катта. «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи ҳозирги кунда яна ҳам гуллаб, обод маҳаллага айланмоқда. Маҳалламизга бир келиб кетсангиз ўзингиз гувоҳи бўласиз.

Ўлмас НОРМАТОВ СУРАТЛАРДА: «Шарқ ҳақиқати» маҳалласининг бугунги кунидан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари

03-03 УРТАНИЎ Домо билур...

• Хар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини киртишлайди.

• Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоисидир.

**Сўз айтсанг сен фақат
фойдали сўз айт,
Бу билан жой олгин
элининг дилидан.
Бўлмаса сўзламай жим
ўтир, чунки,
Инсонга не келса
келар тилдан.**

• Қадимий Юнон ҳақимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун пугур эканини билмайдилар.

• Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Хар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вуждуга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириб сабаби муроса, сирининг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очик юзлиликда, жудодик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, наҳот сабаби ростилик, улуглик сабаби тавозе.

• Анушервон бир кунни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга: — Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

• Хормуз ҳаким сўзларидан. У айтди:

— Одам учун сазовор нарса шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик, тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қахрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлсин!

• Бузургмехр айтди:

— Билгинки, ҳаким ўз табииати билан куйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, кўдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўриқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етиша олмайдиган нарса учун қайғу тортмаслик.

• Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар куйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг серғазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

Таниқли ўзбек санъаткори, бетақрор овоз соҳибаси Муножат Йўлчиева Буюк Британияда ижодий сафарда бўлиб қайтди.

Мумтоз ашулалар моҳир ижрочиси ўз гастроллини икки минг йиллик тарихга эга бўлган Йорк шаҳридаги “Early Music” миллий маркази концерт залидаги чиқишлардан бошлади. Муножат Йўлчиева томонидан ижро этилган “Қора кўзим”, “Муножат”, “Ёр-ёр”, “Гирия”, “Баҳор”, “Тановар” ва “Айла-

динг” оҳанглари олқишлар билан кутиб олинди.

Хонанданинг Лондондаги “Purcell Room” залида бўлиб ўтган концерт дастурлари ҳам бу ерда тўпланган ўзбек санъати ихлосмандларидан катта таассурот қолдириди. “Ўзбек мумтоз муסיқасининг чинакам юлдузи Муножат Йўлчи-

ева овози мени тамомила ром этди, - дейди “Asian Music Circuit” ташкилоти раҳбари Вирам Жасан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюда. — Мен унинг санъатида ўзбек маданиятининг қудрати ва сехрини ҳис қилдим. Ҳеч шубҳа йўқки, ўзбек муסיқаси дунё санъати дурдоналаридан биридир”.

Муножат Йўлчиеванинг айтишича, ушбу гастрол унинг Буюк Британияга қилган тўртинчи сафаридир. “Айтиш керакки, бу галги сафаримиз аввалгиларидан тамомила фарқ қилди, - дейди хонанда. — Концерт дастурларимизда инглиз мухлисларининг қўлайганини кузатдим. Куй-қўшиқларимиз ўзбек тилида бўлса ҳам, тингловчиларнинг мумтоз муסיқамизга юксак ҳурмати ва муҳаббатини кузатдим. Санъатнинг сехри ҳам ана шунда бўлса керак”.

«САНТЕНС» ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

Бельгиянинг «Сантенс» компаниясида ишлаб чиқарилган пахмоқ маҳсулотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг танилган. 1913 йилда ташкил топган ушбу корхона айна вақтда Белникокс мамлакатларида етакчи погоналарни эгаллаб турибди. «Сантенс» савдо белгиси билан тайёрланаётган ҳаммом, ошхона ва кўл артиш сочликлари, пахмоқ халатлар ва бошқа маҳсулотларнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилган.

2002 йилдан бошлаб Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган «Сантенс» компанияси

республикамиздан пахта толаси ва калава сотиб олади.

— Янги шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш катта масъулиятни талаб қилади, - дейди компания президенти Ж.Сантенс. — Лекин Ўзбекистон иқтисодиётида, хусусан тўқимачилик соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар мамлакатнинг билан ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга ундамоқда. Шу боис биз Ўзбекистон иқтисодиётининг ушбу тармоғига сармоя киритиш имкониятларини ўрганиб чиқаямиз.

2005 ЙИЛ — ХАЛҚАРО ФИЗИКА ЙИЛИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2005 йилни Халқаро физика йили, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этилишича, физика инсониятнинг табиатни англаш, теварак-борлиқ сир-синоатларини тадқиқ этиб, ундан кишилик жамияти учун самара келтириши йўлидаги интилишларда марказий ўрин тутди.

2005 йилнинг Халқаро физика йили сифатида эътироф этилиши яна бир сабаб шуки, келаси йил машҳур олим Альберт Эйнштейннинг физика соҳасида эришган йирик ихтироларига бир аср тўлади. Маълумки, 1905 йилда А.Эйнштейн фотоэлектрон таъсир, электромагнит энергияси ва радиация, нисбийлик назарияси борасида оламшумул янгилликлар қилган эди.

Халқаро физика йили муносабати билан талбирлар ўтказиш масъулияти ЮНЕСКО зиммасига юклатилган. Шунга мувофиқ, ЮНЕСКО дунё мамлакатлари ҳукуматлари, илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро физика йили доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган талбирлар режасини ишлаб чиқади.

«ЎЗБЕК ИПАГИДА РАНГЛАР ЖИЛОСИ»

Қуддус шаҳрининг Ислон санъати музейида шу номли ўзбек хон-атласи кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Қуддус шаҳри ҳокими Ури Луполянский, музей бошқаруви раиси Эли Хан, дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, ҳукумат ва нодавлат муассасалари вакиллари, фан ва маданият намояндалари иштирок этдилар.

Талбирни очар экан, Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчиси О.Усмонов мамлакатимиз ипакчилиги тарихи ва буғунги кунда ушбу соҳани ривожлантиришга республикамиз ҳукумати томонидан катта эътибор қаратилаётгани ҳақида гапирди.

Қуддус шаҳри ҳокими У.Лу-

полянский Ўзбекистоннинг бой маданият ва тарихий мероси, ўзига хос, бетақрор санъатига тўхтади. «Моҳир ўзбек тўқувчилари қўллари билан яратилган атлас намуналарини кўраб эканмиз, ишонч билан айтишимиз мумкинки, бундай кўргазмалар давлатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, халқларимизнинг ўзаро маънавий бойишига хизмат қилади», - дея талқиллади У.Луполянский.

Аъло Алаев раҳбарлигидаги санъат усталари ижро этган ўзбек халқ қўшиқ ва куйлари кўргазмага ўзгача шуқуқ ба-нишлади.

ЯПОН ТЕЛЕВИДЕНИСИ - ЮРТИМИЗ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Кунчиқар мамлакатдаги етакчи телеканаллардан бири «ТBS» (Tokyo Broadcasting System) дастурида Ўзбекистоннинг қадимий тарихига бағишланган янги илмий-оммабоп фильм намоиш этилди. Унга «TV Man Union Inc.» компанияси ижодкорлари продюсерлик қилишган.

«...Шарқ бозорлари. Улар ҳар доим шундай тўқин-сочин ва одамлар билан гағвум бўлган. Бу жойда ҳаёт қайнайдми. Мавжуд эртақомуз манзаранинг ўзи ёхуд анвойи зирavorларнинг хушбўй иси киши иштаҳасини очади, гўёки бозордан уйга қайтиш одамнинг ёдидан кўтарилади. Ҳозир биз Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги машҳур Чор-су бозоридамиз. Айтишларича, бу ердан кунига йигирма мингдан зиёд харидорлар мамун бўлиб кетишар экан. Сиз кўраётган мана бу нознеъматларни, ширин мевалар, миллий таомларни яна қаерда учратиш мумкин?» - дея япон муҳбири бозорда ўз хикоясини ана шу сўзлар билан бошлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон азалдан Шарқ билан Гарбни боғловчи кўприк вазифасини ўтаб келган. Бир сўз билан айтганда, Европадан Японияга айнан Ўзбекистон орқали ёки мамлакатимиздан Хитой орқали кунчиқар мамлакатга тўғридан-тўғри ўтган кундалик турмуш анжомлари аниқланган. Фильмда бу ҳақда кўплаб лавҳалар келтирилди. Жумладан кишининг аёзли кунларида қўл келадиган сандал Японияга, айнан ҳозирги Ўзбекистон худудидан кириб келганлиги фильмда хикоя қилинади.

Буддавийлик дини тарихи ва унинг ривожланиш даврига хос бўлган архитектура ёдгорликлари ҳамда санъат асарлари фильмнинг асосий мавзуси қилиб олинган. Дунёдаги энг йирик эътиқодлардан бири буддавийлар дини Ҳиндистонда пайдо бўлган эсада, у кўхна Ўзбекистон орқали япон заминига ўтган. Бунга Сурхондарё вилоятидаги қадимий шаҳар — Қоратепа гувоҳлик беради. Марказий Осиё буддавийлик тарихини ўрганиш мақсадида ўзбек ва япон археологлари қарийб ўн беш йилдан буён ҳамкорликда изланишлар олиб боришмоқда.

«Япон олими яқинда 82 ёшга кирган бўлсада, у Қоратепада тинмай меҳнат қилмоқда. Профессор К.Като Ўзбек-япон халқлари ўртасидаги самимий муносабатларни ривожлантиришга кўшган ҳиссаси, олиб борган кенг илмий тадқиқотлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. Уни нафақат термизликлар балки бутун Ўзбекистон халқи яхши танийди», - дейди муаллиф.

— «Жаҳон тарихи сирлари» номли кўп қисмли фильмнинг навбатдаги сонини айнан Ўзбекистонга бағишлашимизга сабаб фақат тахририятимизга келаётган саноксиз мактублар бўлиб қолмай, балки қатор мамлакатлар тарихига доир фильмларни яратишда биз билан ҳамкорлик қилиб келаётган таниқли япон тарихчи олимларининг фикр ва маслаҳатлари бўлди, - дейди «TV Man Union Inc.» компаниясининг директори жаноб Тошихро Като. — Ўзбекистоннинг бой тарихи жаҳон цивилизациясида шу қадар ўзига хос муҳим ўринни эгаллайдики, дунё тарихини сиёнинг кўхна юртингиз ўтмишисиз яхлит холатда тасаввур қилиш мумкин.

— Дарҳақиқат, фильмни яратиш жараёнида шундай хулосага келдикки, Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ҳақидаги маълумотларни атиги бир фильм билан қамраб олиш қийин. Бундай «тарихий ҳақиқат»ни эътиборга олган ҳолда биз яқин келажакда кўхна ўзбек диёрининг ўтмишига қайта мурожаат қилиш ниятида-миз, - деб ўз фикрини давом эттирди япониялик продюсер.

Фильмга «Hitachi» компанияси ҳомийлик қилди. «Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди

Биласизми?**ЭНГ КИЧИК БАТАРЕЯ**

Япониянинг электр жиҳозлари корпорацияларидан бири «Тошиба» бутун дунёда энг кичик «ёнилгиллик» батарея яратилганлиги ҳақида хабар тарқатди. Мутасаддилар маълумотларига қараганда батареянинг катталиги аёллар бош бармоғига тенгдир. У билан уяли телефон ҳатто кичик компьютерлар ҳам бемалол ишлайди.

Япониялик Иосимицу Сотомэ 50 йилдан ортқ ноқонуний равишда машина бошқариб келган экан. У икки ўғлига ҳам машина ҳайдашни ўргатган. Оилавий ҳуқуқбузарларнинг сири Япония полицияси томонидан фош этилди. Ажабланарли томони шунда-ки, у ярим аср мобайнида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун умуман ҳужжат топширмаган.

«Кўза ҳар кун эмас, кунда синади» деганларидек, Сотомэ биринчи марта автохалокатга учради — у мотоцикл билан тўқнашиб кетган. Натижادا мотоцикл ҳайдовчиси оғир жароҳат олган. Сотомэ эса беморга ёрдам бериш ўрнига тўхтамасдан қочиб қолмоқчи бўлган. Лекин ўша заҳоти полиция ходимлари уни тутиб олди. Оқибатда унинг ва икки ўғлининг ҳам сири ошкор бўлди. Уларнинг бири 20 йил, иккинчиси эса 15 йилдан бери ҳайдовчилик гувоҳномасиз машина ҳайдаб келишар экан.

ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРИ

Чекувчилар никотиндан йироқ кишиларга нисбатан 10 йил олдин ҳаётдан кўз юмар эканлар. Бу нохуш хабарни 50 йил мобайнида чекувчиларни кузатган оксфордлик олимлар эълон қилишди. Кузатишлар 1951-йилдан бошлаб олиб борилган бўлиб, унда 35 минг чекувчилар иштирок этган.

МУСОДАРА ЭТИЛДИ

Италиялик ҳуқуқ тартибот ходимлари жорий йилнинг дастлабки беш ойида Сицилия ва Калабрияда фаолият юритувчи мафиялардан 920 миллион евро яъни 1,1 миллиард долларга тенг бўлган суммани мусодара қилдилар.

Улуғой ДОЛИЕВА тайёрлади.

Санъат**СОФ МУҲАББАТ ҲАМИША ГОЛИБ**

Экранларимизда янги фильмларнинг тез-тез намоиш этилиб туриши, ижодкорларимиз томонидан кинотасмаларнинг ишланиши қувонарли албатта. Гоҳ лирик, гоҳ комедия жанрида экранга чиқарилаётган янги фильмларни томошабинлар мамнуният билан қарши олишмоқда.

Айниқса ҳозирги иқтисодий жиҳатдан мураккаб шароитда бир ярим, икки соат давом этадиган фильмни яратиш, бу кино ижодкорлари учун осон иш эмас. Фақат ўз касбини севган, томошабинга манзур бўладиган асар яратишга астойдил бел боғлаган фидойи ижодкорларгина бу вазифанинг уддасидан чиқадилад.

Шу кунларда Халқлар дўстлиги саройида намоиш этилаётган «Соф муҳаббат ҳамиша голиб» фильмини томоша қилар эканман, ана шу мулоҳазалар ҳаёлимдан ўтди.

Ахир илгарилари бундай фильми юзага чиқариш учун озмунча маблағ, вақт сарфланмасмиди. Бу фильмининг ижодкорлари киска вақт — бори-йўғи беш-олти ой ичида қарийб икки соат давом этадиган фильмини экранга чиқаришди.

Уни суратга олган бош режиссёр Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Машраб Кимсанов ва ҳамма оғирликни ўз зиммасига олган фильм директори ва продюсери Уктам Исроилов кинотас-

мани яратиш осон бўлмаганлиги, ҳар тарафлама муаммоларга дуч келингани, бироқ, эзгу-ниятни рўйба чиқариш истаги барча қийинчиликларни енгишга мадад бўлгани ҳақида сўзлаб беришди. Ушбу фильм Андижондаги «Бобур-шоҳ» киностудиясининг қалдирғоч махсулотидир.

Энди фильм ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унда янги адиб қўлланилгани ва янги талкин этилганини кўраимиз. Аслини олганда фильм Уйғун домланинг «Парвона» асари асосида яратилган. Бироқ қайтадан ишланган, замонавий, ҳозирги томошабин талабига мослаш устида ижодий ишланишгани кўриниб турибди.

Фильмда воқеалар кенг қамраб олинди, янги-янги эпизодлар киритилган. Жумладан, спектаклда бош қаҳрамон Уткурий (Улуғбек Юлдашев) билан Назокат (Мунира Абдуллаева)ларнинг Ялтада-курортда танишув эпизоди пьесада йўқ эди. Кино ижодкорлари фильмининг бошланишидаёқ ана шу танишув картинасини замонавий тарзда кўшиқ, рақслар билан бойитиб қизиқарли қилиб су-

ратга олишган.


Шуни ҳам айтиш керакки, фильмда иштирок этган қаҳрамонларнинг кўпи актёр эмас, оддий ўқувчи- талабалар.

Фильмининг катта бир ютуғи шундаки, унда бошдан-охиригача куй-кўшиқ янграб туради. Бастакор Мирҳалил Маҳмудов Уткурийнинг машҳур кўшигидан ташқари яна олти янги кўшиқ киритган, янги оҳанг яратган.

Хулоса қилиб айтганда Уйғун яратган «Соф муҳаббат» фильмида ҳозир кундалик ҳаётимизда учраб турадиган устомон тadbirkor, твламачи тарзида талкин этилади. Фильм гоёси эса разолат устидан соф муҳаббат галаба қозонишига қаратилган. Бу яхши гоё, афсуски уни ифодаловчи картина яққолроқ кўринганда эди, яна ҳам дуруст бўлурди.

Мулоҳазаларимизни баён этарканмиз айрим жузъий камчиликлар ҳусусида тўхтамай иложи йўқ.

Фильм бошланишида бир эпизод бор. У Ялтада-курорт кафесида тасвирланган. Уткурийнинг улфатлари давра қуришган, кайфлари бор. Уртада рақоса, арабча ўйин тушяпти, кийими очик. Йигитлар унга жуда яқин. Рақс



давом этади. Эҳтимол бу картина билан Уткурийнинг шилқимлиги, беҳаёсизлигини кўрсатиш кўзда тутилгандир. Бироқ бу тарзда эмасда. Рақоса киз учун ҳам, томошабинлар учун ҳам бироз эриш туюлмасмикин.

Кейин айрим эпизодларда хаддан ошиқ шовқин, бақир-чақирик.

Умуман олганда «Соф муҳаббат ҳамиша голиб» фильми айрим жузъий камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, янги кинотасмага оқ йўл, унда иштирок этган ижрочиларга эса порлоқ истиқбол тилаймиз.

Фарида УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
СУРАТЛАРДА: янги фильм ва уни суратга олиш жараёнидан лавҳалар.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР

Давлат боғхона кўмитаси
«Боғхона юк баённомаларини»
(ГТА-1, ГТА-2, АТС-1 ва АТС-1
don) тайёрлатиб харид
этишга танлов эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60
Коммутатор: 120-76-00 ички:
26-11, 26-08

Тажрибалир эълон тайини шиккан
қурдан бошлаб 10 кун муқддат ичид
қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.

«ИШЛАБ ТОП!»

Жаноб тadbirkorлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз кўчирин, муҳажирин, гайрига тўра бизларини. Бизга факат Сизнинг тadbirkor ва кўчиринингиз етимиштининг. Гайри ва тadbirkorинг бирлаштирини вақти келди. Чунки биз — мушфаккалота олиб боруни ани ҳисса кўла.



TOSHKENT
SHAHAR
BO'LMISI



Тошкент шаҳар «КАМОЛОТ» тadbirkorларга «Ишлаб топ» ижтимоий акциясида фол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш уринларини тоқдими этишини таллаф қилди.

Кўчинмча маълумотларини

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали олоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тadbirkorларга «Тасвир» нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар бериледи.

Спорт

ХАМШАҲАР-ЛАРИМИЗ — ОЛДИНДА

Шахримиздаги 14-Бо-лалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўсмирлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Тошкент шаҳар Кубоги учун очик турнир бўлиб ўтди.

Ўттизга яқин ёш гимнастикачилар галаба учун кураш олиб борган турнирда спорт усталари баҳсида таяниб сакраш ва брусъя машқларида рақибларидан устун келган ҳамшахримиз Антон Фокин энг кўп — 9,4 балл жамгарди. Кўконлик Келдиёр Ҳасанов эса отда ва перекладинадаги машқларда галаба нашидасини сурди.

Спорт усталигига номзодлар беллашувида пойтахт жамоаси вакили Василий Пекинев рақибларидан анча кучли эканлигини очкўйдин исботлади. У бир варакайга тўртта йўналиш — эркин машқлар, брусъя, отда машқлар ва таяниб сакрашда биринчи бўлди.

БАҲСЛАР МУРОСАСИЗ КЕЧДИ

Республика шахмат-шашка клубида аёллар ўртасида шахмат фестивали мусобақалари якунланди.

Бухоро вилоятидан ташқари Республикаимизнинг барча минтақаларидан келган энг иқтидорли шахматчи аёллар швейцарча усулда 9 тур давомида ғолибни аниқлаш мақсадида қизиқарли беллашувлар олиб боришди.

Шуни айтиш керакки, бутун турнир давомида тошкентлик шахматчи Ольга Собирова ва Қашқадарё вилояти вакили Нафиса Мўминовалар бир-бирларига мос равишда ҳақиқий чемпионлар ўйинини кўрсатган ҳолда 9 имкониятдан саккизтадан очко жамғаришди. Натижанда ғолибни аниқлаш мақсадида коэффицентлар жадвалидан фойдаланишга тўғри келди. Бу борада кўрсаткичлари юқорирок бўлган Ольга Собирова шахмат фестивалининг ғолибаси сифатида хурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан ўрин олди.

Бир хил очко жамғариб, учинчи олтинчи ўринларни бўлишиб олган спортчилар орасидан яна бир тошкентлик шахматчи Ольга Кузнецова ҳам ўрин олди.

(Ўз мухбиримиз)

Синхрон сузиш

ЭСДАЛИК СОВФАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулли-лишлари учун яратиб берилётган шарт-шароитлар улarga истаган спорт турларини танлаш имкониятини ҳам тугдирмоқда.



Синхрон сузишнинг айнан қизлар учун мослиги, у ўзида бир неча спорт турларини мужассамлаштиргани, яъни сувда ва сув устида сузиш, сувга сакраш, акробатика, бадий гимнастика ва хореография турларини ўз ичига олганлиги унинг нафис ва жозибадорлигидан далолат беради. Кўни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мажмуасида спортнинг ушбу тури бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчилиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги соврини учун очик турнир ўтказилди.

Мусобақа Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда синхрон сузиш федерацияси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил қилинди.

Турнирда илк бор барча вилоятлардан спортчи қизлар қатнашишди.

Жойларда бўлинмалар эндигина ташкил этилганига қарамай, мусобақанинг биринчи куниде Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Андижон ва Фарғона вилоятлари вакиллари яққалик чиқишларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар, - дейди

Ўзбекистон Республикаси синхрон сузиш федерациясининг вице-президенти Маъмура Халилова. - Бу қисқа мuddат ичида қизларимизнинг эришган ютуқларидир. Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакат терма жамоасига номзодларни саралаш ва синхрон сузиш спорт турининг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оммалаштириш таяминлаш ҳамда бўлажак оналарнинг соғлигини мустаҳкамлашдир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда юртимизда қизларга хос назокатли ва нафис бўлган синхрон сузиш спорт тури жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ушбу спорт турининг оммалаштиришга хотин-қизлар кўмиталари, Республика Синхрон сузиш федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тадбиркорлари Халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти ҳокимликлари ҳамда турли ҳомий ташкилотларнинг бевосита ёрдами катта мадд болмоқда. Шу боисдан қисқа мuddат ичида диёримиз «сув парилари» кўпгина нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Айни кунларда республика Хотин-қизлар кўмитасининг кўрсатмасига биноан деярли барча вилоятларда Синхрон сузиш федерациясининг бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, улarga зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, ўсмир қизларни ушбу спорт турига жалб қилиш мақсадида Меҳрибонлик уй-



ларидаги қизлар билан ҳам фаол иш олиб борилмоқда.

«Умид» спорт мажмуида ўтказилган республика биринчилиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун очик турнирда Тошкент шаҳар бўлими биринчилики кўлга киритди.

Унда 1986-89 йилларда туғилган қизлар ўртасида Наталья Корнеева, 1989-91 йилларда туғилган қизлар ўртасида Валерей Золотих 1990-2000 йилларда туғилган қизлар баҳсида эса Анастасия Ортишеввалар биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Уч кун давом этган мусобақа қизиқарли тарзда якунланиб, кўрсатилган натижаларга кўра ғолибларга, шунингдек мусобақада қатнашган барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Шахло ХОШИМОВА

СУРАТЛАРДА: қизиқарли мусобақадан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Шифобахш неъматлар

ҚАЛАМПИР ВА МУРЧ

Таомларимизни хушхўр қиладиган иштахабахш ана шу зирavorлар тўғрисида анчагина китоблар ёзилган бўлиб, илмий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Бу асарларнинг кўпиде бундай зирavorларнинг зараридан кўра кўпроқ фойдали эканлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Абу Али ибн Сино узунчоқ қалампирни «даф улфул» деб атади. Қалампирни у энг содда дорилар қаторига қўшиб, унинг даражали иссиқлик ва иккинчи даражали «куруқ нарса» дейди. Қалампир «...Эритувчи ва совуқдан бўлган касалларни кетказувчидир. Эчкининг қовурилган жигари сели билан бирга қўшиб истеъмол қилинса шакл-ўрлик касалига нафи бор». Ҳазм қилдиради, синдиради ва меъдани қувватли қилади. Қалампир зирavor албатта дори нарса, бироқ у касал кишига эмас, балки соғлом одамларгагина дори-дир. Ошқозон ва ичак касалликларига чалинганлар, ҳомилалар ва эмизикли аёллар буни вақтинча емай туришлари керак. Аммо шамоллаган одамларни терлатишда қалампирнинг фойдаси зўр.

Келинг энди мурч ҳақида тўхта-лайлик. Ушбу неъматнинг асл ватани Хиндистон, Шри Ланка ва Ява ороллари-дир.

«Фулфул-мурч» шифоларнинг шифоси бўлиб, иссиқлиги ва қуруқлиги тўртинчи даражададир.

Мурчда торттиб олиш, сўриш ва тозалаш хусусиятлари бор. Уни майизга қўшиб чайналса, аъзо-

лардаги ҳар қандай шилимшиқ моддани чиқариб юборади. У оғриқни босадиган ва асаларни иситадиган воситалардан ҳисобланади ҳамда тамомила соғлом кишилар учун нафи тегади...

...Сода билан бирга қўланилган қора мурч баҳак касалини да-волайди. Мурч семиз одамни оздириш хусусиятига ҳам эга.

...Асаб ва мушак тўқималарини қиздиришда бунга етадиган дори йўқ.

...Сиркага қўшилган мурчинг тишларга ҳам фойдаси бор.

...Яланадиган дориларга қўшиб ишлатилган мурч йўтални ва кўкракда пайдо бўлган оғриқни қолдиради... Уни асалга қўшиб танглайга босилса ангина-ни даволайди, ўпкани ҳам тоза-лайди. Мурч овқат ҳазм бўлиши-да ёрдам қилади ва иштаҳани очади. Уни янги узилган лавр япроғи билан бирга ичмлади. Бу ичакларда пайдо бўладиган сан-чикни ва қорин шишиб кетиши-ни тўхтатади. Қора жигар шишиб кетса мурчни сиркага қўшиб ичиш ёки сурқаш билан давола-са бўлади.


Демак, қалампир билан мурч зирavorигина эмас, балки дори-вор ҳам экан. Бироқ Абу Али ибн

Сино айтганларига асосланиб, ҳар ким ўзича дори тайёрлаши-ни маслаҳат бермаймиз. Негаки, ҳар қандай дори-нинг ҳар қайси касал учун аниқ меъ-ёри бўлади.

Халқ табобати-да қалампир билан мурчдан ай-рим парҳез таом-лар ҳам тайёрла-нади. Масалан, қоқурум—тоби қошиб бўшашган кишиларга майда тўғралган пиёв ва қалампир қўшил-ган қатикли қайноқ сувга ий-лаб ичирилади. Қатик шамолла-ган одамни терла-тиш учун эса па-мил чой билан бирга мурч дам-лаб ичирилади. Айрим жойларда донадор мурч-нинг ўзини чой-накка дамлаб асал билан ича-дилар. Сира иш-тахаси йўқ одам

қалампир талқонга беланган суз-ма ёки қуртоб еса нафи тегади. Туйилган мурч ёки қалампир талқонни янчилган саримсоқ билан бирга доғлаб ёнга қоришти-риб тайёрланган лозижон ҳар қандай оғир хамир таомлари-нинг ҳам тез хазмланишига ёрдам беради.

Хуллас соғлом одамлар учун фойдаси кўпроқ.



Сўзсиз сурат. Абдуракул Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ оғеет усулига босилган. 2812 нускага босилди. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнииз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-маъбоа оқишдорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турани» кўчаси, 41-уй.